

№91/2022 сонли
Лойиха олди ва лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда “Шахарсозлик ҳужжатлари
экспертизаси” ДУК хулосасини олиш ишларини тайёрлаш ҳақида пудрат
ШАРТНОМАСИ

2022 йил «24» ноябрь

Андижон шаҳри

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ваҳаракатдаги Низом асосида фаолият кўрсатадиган «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Б.Сатимбаев бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда “Лойихачи” деб юритилади ва Низом асосида фаолият кўрсатадиган “Андижон АЙБИЛ” ва унинг раҳбари П.К.Умаров иккинчи томондан мазкур шартномани қўшимча келишувни туздилар.

1. Шартноманинг мазмуни

1.1 “Пудратчи “Шаҳрихон тумани Хўжаобод МФЙнинг Баҳор, Шаҳрихон кўчасидаги 201 та хонадонда яшовчи 1852 дан ортиқ аҳоли тоза ичимлик сув тармоғи яроқсиз ҳолатда” объект учун лойиха олди ва лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертиза” ДУК хулосасини олиш ишларини тайёрлаш объекти бўйича лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва лот № 185014 объект бўйича муаллифлик назоратини ушбу иншоот тўлиқ фойдаланишга топширилгунга қадар олиб бориш мажбуриятини, “Лойихачи” эса ўз вақтида ишларни қабул қилиб олиб, ишлар ҳаққини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2 “Лойихачи” Буюртмачи” томонидан тақдим этилган меъморий режалаштириш (АПЗ), лойиҳалаш топшириқларида кўрсатиб ўтилган ишларни «30кун» ҳақидаги ШНК1.02.09-15 қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

1.3 Бажариладиган ишларга илмий, техник, иқтисодий ва бошқа талаблар ишларини бажариш учун техник топшириқларда назарда тутилади.

1.4 “Лойихачи” томонидан бажариладиган ишларнинг муддати лойиҳа ишларига ўтказилган эркин танловларнинг баённомаси билан 20 кунга белгиланган

1.5 “Лойихачи” “Буюртмачи” нинг рухсатини кутмасдан, қўшимча ички хўжалик шартномасини (шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномани бажаришда амалга оширилиши лозим бўлган махсус тадқиқот ишларига) тузишга ҳақлидир. Қўшимча ички хўжалик шартномаларини тузиш “Лойихачи” зиммасига юклатилади.

1.6 Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.

1.7 Ишларни молиялаштириш ҳисобот йили учун белгиланган тартибда тасдиқланган манзилий дастурда белгиланган лимит маблағлари доирасида ва кўрсатилган молиялаштириш манбаи ҳисобидан амалга оширилади.

2. Томонларнинг мажбуриятлари

2.1 “Лойихачи” нинг мажбуриятлари:

- “Лойихачи” “Буюртмачи” томонидан берилган техник топшириқ ва бошқа бошланғич ҳужжатлар асосида ишларни бажариш;

- “Буюртмачи” билан бажариладиган ишларни (босқичлари) нинг натижаларини келишиш;

- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳақида, талаб қилинган ҳолларда “Буюртмачи” га ахборот жўнатиш

2.2 “Лойихачи” мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг рухсатисиз учунчи шахсга беришга ҳақли эмас.

2.3 “Буюртмачи” нинг мажбурияти:

- Мазкур шартномада кўзда тутилган миқдорда ва шартларда белгиланган нархни тўлаш;

- “Лойихачи” томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилишини назорат қилиш;

- “Лойихачи” билан бажарилган ишлар (босқичлар) нинг натижаларини келишиш;

- Шартнома бўйича бажарилган ишларнинг мазмунини “Лойихачи” нинг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик;

3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи

3.1 Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати лойиҳа ишларига ўтказилган танлов савдосининг шартнома қиймати **53 250 000 (Эллик уч миллион икки юз эллик минг)** сўм (ҚҚС билан) бўлиб,

- Бундан **“Буюртмачи”** томонидан **“Лойиҳачи”**га ЛСХ харажати қийматининг **30 фоизлик** миқдорида бўнак (аванс) тўлови амалга оширилади, бу **15 975 000 (Ун беш миллион туккиз юз етмиш беш минг)** сўмни ташкил қилади.

Қолган маблағлар **70 фоиз** миқдорда маблағ яъни **37 275 000 (Уттиз етти миллион икки юз етмиш беш минг)** сўм бажарилган ишларга нисбатан жорий молиялаштирилади.

3.3 **“Буюртмачи”** **“Пудратчи”**дан бажарилган ишлар ҳақидаги далолатномаларни қабул қилиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади

3.4 Мазкур шартнома бўйича **“Лойиҳачи”** томонидан амалга ошириладиган лойиҳа ишлари нархи ва муддати узил-кесил ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1 Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида баҳоланади.

4.2 **“Лойиҳачи”**томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати техник топшириқда аниқланади.

4.3 **“Лойиҳачи”** ишларни бажариб бўлгач, **“Буюртмачи”**га топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб 3 та нусхада ҳужжатлар тупламини тақдим этади.

4.4 **“Буюртмачи”** мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот ҳужжатларини 30 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

4.5 Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш давомида **“Буюртмачи”**нинг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгилловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6 Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, томонлар 5 иш кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган мажбуриятлар юкланади.

4.7 Ўзаро ҳисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1 **“Буюртмачи”** ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатга узайтирилади.

5.2 **“Буюртмачи”** тўлов талабномаси акцепти (қабул қилиш)ни асоссиз равишда тўла ёки қисман рад этганлиги, шунингдек ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга ҳақ тўлашдан бош тортганлиги (банк муасасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва ҳакозо) учун **“Буюртмачи”** тўловдан бош тортган ёки рад этган сумманинг 0,5% ҳажмида пеня тулайди.

5.3 **“Буюртмачи”** олган мажбуриятини бажармаган тақдирда **“Лойиҳачи”**ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % ҳажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.4 **“Лойиҳачи”** шартномада кўрсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишда олган мажбуриятларини бузганлиги учун **“Буюртмачи”**га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % ҳажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

5.5 Бажарилган ишлар(боскичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда **“Лойиҳачи”** уларни беғараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.5. Агар “Лойихачи” ўтган босқич учун ҳисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6. Агар шартнома шартларининг бузилиши енгиб бўлмайдиган ҳолатлар (форс-мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги меъёрлари асосида иш кўради.

5.7. Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар талаб этиладиган сифатга, техник шарт (топширик) ларга мос келмаса ва иш ҳажмлари тўлиқ лойиҳа-смета ҳужжатларига киритилмаган ҳолда, “Лойихачи” ушбу ишларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

5.8. Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари қўлланилади.

5.9. Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартнома шартларига мос келмаслиги, “Буюртмачи” бажарилган ишлардан бош тортишга ҳақли, “Лойихачи” дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш қийматининг 5% миқдорида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилишга ҳақли. Жарима тўлов талабномаси имолиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар ҳақидаги далолатнома тузилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида тақдим қилиниши лозим. Жарима жадвалининг тўлов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.10. Агар пудратчи лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиҳа-смета ҳужжатларида камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда “Лойихачи” “Буюртмачи” га етказилган зарарни тулайди. “Лойихачи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.11. Шартнома шартларини ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги қонуннинг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик чоралари қўрилади.

6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор)

6.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мосравишда орқага сурилади.

6.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса “Лойихачи” ва “Буюртмачи” курилишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳофамақиладилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

6.3. “Буюртмачи” тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги “Лойихачи” учун «форс-мажор» ҳолатигатенг ҳисобланади.

7. Қўшимча шартлар

7.1. “Буюртмачи” 1.1-бандда кўрсатилган объектдан ташқари, “Лойихачи” томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, “Лойихачи” эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиши тақиқланади.

7.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3. Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини 3 банк куни ичида хабардор қилишлари шарт.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1. Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, газначилик бошқармасидан рўйхатдан утганидан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий ҳисобланади.

8.2 Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буюртмачига, пудратчига
8.3 Шартнома 2023 й. 01

8.3 Шартнома 2023 йил 31 мартга қадар ўз кучида бўлади.

9. Низоларни хал этиш тартиби

9.1 Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилади

10.Томонларнинг реквизиитлари

БУЮРТМАЧИ

**“Узсувтаъминот” АЖ «Сув таъминоти ва оқава
сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг
компанияси» УК Андижон вилоят ҳудудий**

Андижон шаҳри, Чинабод ко'часи 59-уй.
ИНН: 307000701

ИНН: 305980724. ОКОНХУ-90213

ШХР: 30182186003401706320110314

Андижон вилояти газначилик бошқармаси.

Каз. счет:23402000300100001010

МБББ ХККМ. г. Ташкент МФО 00014

СТИР Каз.под:201122919

Бошкарма бошлиғи:

Б.Сатимбаев

Хукукшунос:

Г. Атаханов



“ЛОЙИҲАЧИ”

«Андижон АЙБИЛ» ХК

Андижон ш. А. Фитрат кучаси 4

Банк: «Узсаноаткурилишбанки»

АТБ Бунёдкор БХМ офиси

x/p: 2020 8000 7047 2006 6001

ИНН: 300 883 437; МФО 00440;

ОКЭД: 71110



Рахбар

П.К.Умаров